



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3324
2021 - vil 09 - oktabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

Корпоратив буюртмачиларнинг харид комиссиялари томонидан дастлабки малака танловини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон “Давлат харидлари шаффоғлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиб фаолиятини самараали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Молия вазирлиги қарор қиласин:

1. Корпоратив буюртмачиларнинг харид комиссиялари томонидан дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат активларини
бошқариш агентлиги
Директори



Ortikov A. J.

Тошкент ш.,
2021 йил 13 сентябрь,
01/11-07/13-сон

Молия вазири



Т. Ишметов

Тошкент ш.,
2021 йил 13 сентябрь,
53-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлиги ва Молия вазирлигининг
2021 йил 13 сентябрдаги
01/11-07/13 ва 53-сон қарорига
илова

**Корпоратив буюртмачиларнинг харид комиссиялари томонидан дастлабки малака танловини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон “Давлат харидлари шаффоғлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарорига мувофиқ корпоратив буюртмачиларнинг харид комиссиялари томонидан харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун салоҳиятли (потенциал) иштирокчиларнинг дастлабки малака танловини ташкил этиш, ўтказиш тартиби ҳамда уларнинг ишончлилигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

корпоратив буюртмачи (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари алоҳида тартибда назорат қилинадиган айrim корпоратив ва бюджет буюртмачилари рўйхатида кўрсатилган корпоратив буюртмачилар;

харид комиссиясининг масъул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) – харид комиссиясининг тезкор фаолиятини ташкил этувчи овоз бериш хуқуқига эга бўлмаган ходим;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчи (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) – харид қилиш тартиб-таомилида қатнашишдан манфаатдор бўлган, дастлабки малака танлови учун талабнома тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

талабнома – иштирокчининг юридик мақоми, молиявий, тижорат, техник имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган хужжатлар тўплами.

2. Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

3. Харид қилиш хужжатлари шартларида назарда тутилган ҳолларда харид комиссияси томонидан иштирокчиларни танлаб олиш учун дастлабки малака танлови ўтказилиши мумкин.

4. Дастлабки малака танлови энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) ва тендер орқали амалга ошириладиган харидларга нисбатан қўлланилади.

5. Дастлабки малака танловидан муваффақиятли ўтган салоҳиятли иштирокчилар бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида корпоратив буюртмачиларнинг танлаш ва тендерларида иштирокчи сифатида қатнашиши мумкин.

6. Дастребаки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

7. Дастребаки малака танлови тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотлар барча манфаатдор томонлар учун очиқ ва шаффоф бўлиши ҳамда ахборот алмашуви ихтиёрий амалга оширилиши лозим.

2-боб. Дастребаки малака танловининг асосий мақсад ва вазифалари

8. Дастребаки малака танловини ўтказишнинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

иштирокчиларнинг молиявий, тижорат, ишлаб чиқариш ва техник имкониятларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ иштирокчиларнинг ишонччилигини текшириш;

манфаатлар тўқнашуви ва коррупцион омиллар келиб чиқишининг олдини олиш.

9. Дастребаки малака танловини ўтказишнинг вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

давлат харидлари ижрочилари томонидан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармаслик хатарларини пасайтириш;

буортмачилар фаолиятининг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлаш мақсадида харидларни ўз вақтида амалга ошириш;

буортмачиларнинг маблағларидан самарали фойдаланиш;

буортмачилар томонидан амалга ошириладиган харидларда барча иштирокчиларга тенг хукуқли ва адолатли шарт-шароитлар яратиш;

иштирокчиларни танлашда манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга йўл қўймаслик.

3-боб. Иштирокчиларнинг талабнома бериш тартиби

10. Дастребаки малака танловини ўтказиша иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар ҳамда уларни тақдим этиш муддати харид қилиш хужжатларида кўрсатилиши лозим. Бунда, иштирокчилар томонидан қўйидаги хужжатларни тақдим этиш назарда тутилади:

таъсис хужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

молиявий ҳисботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);

экологик, гигиеник сертификатлаш, калибрлаш тўғрисидаги тегишли гувоҳномалар ёки синов баённомалари, сифат сертификатлари, мувофиқлик сертификатлари, шу жумладан ҳавфсизлик талабларига мувофиқлик сертификатлари, товар (иш, хизмат)лар паспортлари (товар (иш, хизмат)ларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб мазкур хужжатларнинг бўлиши мажбурийлиги талааб этиладиган ҳолларда);

иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишли-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи хужжатлар.

Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва хужжатларни тақдим этиши мумкин.

11. Талабнома иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш хужжатларида белгиланган талаблар асосида таклифлар билан бирга юборилади.

4-боб. Иштирокчиларни ўрганиш (текшириш) тартиби

12. Иштирокчиларни ўрганиш улар томонидан тақдим қилинган талабномалар, тасдиқловчи хужжатларни, шунингдек, иштирокчилар тўғрисидаги бошқа маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Зарурият бўлганда, иштирокчиларнинг ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотларини қўшимча равишда ўрганиш учун харид комиссия томонидан техник аудит ўтказиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиниши мумкин.

13. Котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган хужжатларнинг тўлиқлилиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуийдаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларида лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг маҳсус ахборот порталаида инсофисиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги миқдорини камайтириш ҳукукини суистеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йигилишида кўриб чиқилади.

14. Харид комиссияси котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини кўриб чиқади ва қуийдагиларни аниқлайди:

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш куввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисботлари, шунингдек солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимида молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис хужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

15. Харид комиссияси зарур ҳолларда иштирокчиларнинг розилиги билан ва уларни фаолиятига аралашмасдан жойига чиқсан ҳолда техник аудит ўтказиши мумкин. Бунда, корхонанинг

ишлиб чиқариш қуввати ва маҳсулотларнинг сифати ўрганилади.

5-боб. Дастлабки малака танлови натижаларини расмийлаштириш тартиби

16. Қуйидаги иштирокчилар дастлабки малака танловидан ўтмаган ҳисобланади:
- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини тўлиқ тақдим этмаган;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- Инсофиз изжочиларнинг ягона реестрида қайд этилган;
- имтиёзли солик режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур худудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;
- соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- танлаш ва тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон берилган санада давлат рўйхатидан ўтганига олти ой тўлмаган;
- манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган;
- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлиб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган.

17. Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

18. Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикитирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қиласди.

19. Малака танловидан ўтган иштирокчилар рўйхати буюртмачилар томонидан юритилади.

6-боб. Якуний қоидалар

20. Бюджет ва бошқа корпоратив буюртмачилар дастлабки малака танловини ўтказишида мазкур Намунавий низом қоидаларидан фойдаланиши мумкин.

21. Дастлабки малака танлови натижаларидан норози бўлган иштирокчилар суд тартибida шикоят қилишга ҳақли.

22. Мазкур Намунавий низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.